

ДЕЗАДАПТАЦИЯЛАШГАН ЎСМИРЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ПЕДАГОГ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Баратова Д.Ш.

Бухоро давлат университети
Психология ва социология кафедраси
доценти, психология фанлари номзоди

Таълим жараёнида педагог билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолиятига хос ижтимоий психологик уйғунликни ташкил этиш, таълим субъектларини мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш улардаги психологик компетентликни шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, онтогенетик ривожланишнинг ўсмирлик даври энг мураккаб ҳамда психологик инқирозлар билан уйғунлашиб кетган, қуввати юқори, шижоатли, янгиликка чанқоқ, оламни ўзлаштиришга интилувчан, мустақилликка мойил, эгилувчан, хулқ-атворида ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши жадал суръатлар билан кечадиган давр бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кундаўзига хос “тарбияси қийин” ўсмирлар категориясини белгилашда тамоман ўзгача психологик-педагогик ёндашувларга асосланишнинг муқаррарлиги яққол сезилмоқда. Айни пайтда, педагоглар томонидан мазкур тоифа ўқувчиларининг индивидуал хусусиятларини адекват тушуниш ва улар хулқини коррекция қилишга бўлган заруратнинг тобора ортиб бораётганлиги алоҳида қайд этиш мумкин. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги қарорида ҳам “Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратиш...”¹ кераклиги алоҳида қайд этилади.

Ўтказилган тадқиқот ва мажмуавий дастурни амалга ошириш шуни кўрсатдики, педагогик жамоанинг дезадаптациялашган ўсмирлардаги “Мен тимсоли”ни коррекция қилиш борасидаги психологик компетентлигини ривожлантиришга қаратилган тадбирлари муҳим ўрин тутиши яна бир бор тасдиқланди. Ўқитувчилар ўсмирлар ва ҳамкасблари билан ишлашда ва муомалада уларга ижодий ёндашувни амалга оширишда ҳалақит бераётган ўсмирлардаги девиант хулқ-атвор шакллариининг намоён бўлишига толерантлик реакцияларини намоёиш қилиш кўникмаларини янада орттирдилар. Педагоглар ўз ҳиссиётларини тушунишга бўлган қобилиятларини ривожлантирдилар. Гуруҳ ва психолог қўллаб-қуватлаши остида ўқитувчилар ўзларини табиий ва бемалол тутишни, ўзларини намоён қилишда экспрессивроқ ва ижодийроқ бўлиш кўникмаларини олдилар. Шунингдек, педагогларда ўзгараётган вазиятга тез ва адекват муносабатда бўлиш қобилиятида намоён бўладиган улардаги хулқ-атвор эгилувчанлиги

¹ “Баркамол авлод йили” давлат дастури. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 86.

сезиларли равишда ортди. Педагогларнинг ўсмирлар билан алоқалари чуқурроқ ва эмоционал жиҳатдан тўлароқ бўлиб қолди, бу эса ўз навбатида сезиларли самаралар беради.

Педагогларда анкета ўтказишда “Сизнинг мактабингизда ягона вазифалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан ишловчи ягона педагогик жамоа шаклланган, деб айта оласизми?” деган саволга 74% ўқитувчилар “Ҳа, айтиш мумкин деб ўйлайман” деб жавоб бердилар. 73% ўқитувчилар эса ўқувчилар билан шаклланган муносабатлардан қониққанликларини билдирдилар.

Мазкур босқич ўқитувчини касбий компетентлик мазмуни ва тузилмасига таъсири натижаларини таҳлил қилиш усулларида бири ўқитувчини дарсдаги ўзаро фаоллик майдонини тадқиқ этишга қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Тадқиқотда иштирок этган педагоглар фикрларидан бир нечта намуналар келтирамиз:

- “Бу дастур менинг касбий фаолиятимда ёрдам берди. Мен ўз ўқувчиларимни яхшироқ тушуна бошладим. Менда улар билан янада илиқроқ муносабатлар ўрнатилди. Менинг кўзим очилди. Назаримда яхшироқ дарс ўтаётганга ўхшайман”.
- “Мен жуда кўп кўрққандим: бошқа одамларнинг баҳосидан, танқидидан. Мен ўз кўрқувларим ва ўзимга ишонмаслигим сабабларини тушуниб етдим. Мен ўз ишимни севишимни тушундим. Доира столи менга мактабимиз ўқувчиларига ёрдам бериш хохишимда ёлғиз эмаслигимни тушунишимга ёрдам берди”.
- “Бизнинг ўқувчиларимиз билан ишлашда бошқа мутахассисларнинг қатнашиши менга мазкур ўқувчиларимиздан кўпчилиги мактабни битириб, ўзларига яхши иш топа олишлари учун умид бағишлади”.

Бу жараённинг энг муҳим таркиби бизнинг фикримизча, ўсмирлар ҳаёти ва муваффақиятининг энг эмоционал ёқимли вазиятини яратишдан иборат. Бунинг натижаси сифатида ўсмирлардаги дезадаптация кўрсаткичларининг пасайишини ҳам санаб ўтиш мумкин.

Шкалаларнинг ўртача қиймати қуйидаги кўрсаткичларнинг сезилар-сезилмас пасайишини кўрсатди: “ўзини қабул қилмаслик”, “эмоционал дискомфорт”, “ташқи назорат”.

Ўсмирларнинг асосий гуруҳида мослашувчанлик кўрсаткичи катталиги меъёр доирасида эканлиги намоён бўлди, унинг пасайиши бирорта ҳам ўсмирда кузатилмади. Бу кўрсаткичнинг озгина кўтарилиши фақатгина битта ўсмирда кузатилди. Дезадаптация кўрсаткичининг ўртача қиймати ҳам меъёр доирасида эканлиги маълум бўлди, бироқ стандарт оғишнинг аҳамиятли катталиги гуруҳларнинг бир хил эмаслигидан далолат берди. Ҳақиқатан ҳам бир қизда дезадаптация кўрсаткичи баланд, 17 нафар ўсмир ва 10 нафар қизларда эса меъёрга нисбатан аҳамиятсиз паст кўрсаткичга эга бўлди (нормадаги энг паст кўрсаткич 68 балл бўлганда унинг минимал қиймати 63 балл бўлди).

“Ўзини ўзи қабул қилиш”нинг ўртача кўрсаткичи барча гуруҳлар учун умумий меъёрдан ташқарига чиқмади. “Ўзини ўзи қабул қилмаслик” ўртача кўрсаткичи ўғил болаларда ҳам, қизларда ҳам меъёрдан нисбатан паст эканлиги маълум бўлди. “Ўзини қабул қилмаслик” кўрсаткичининг нормал қиймати 22% ўғил болаларда кузатилди. Мазкур кўрсаткич бўйича нормадан юқори кўрсаткичлар қайд этилмади. Бошқа ўсмирларда бу кўрсаткич паст эканлиги маълум бўлди. 28% ўсмирларда ўзини қабул қилмаслик 5 баллдан ошмади (паст кўрсаткич 22 балл бўлганда). Эмоционал комфортнинг ўртача кўрсаткичи нормадан ташқарига чиқмади, бир вақтда эса эмоционал дискомфорт кўрсаткичи ҳам умумий гуруҳда ҳам, ўғил болалар гуруҳларида ҳам паст кўрсаткичга эга бўлди.

“Эмоционал комфорт” кўрсаткичи бўйича меъёрга нисбатан алоҳида юқори кўрсаткичлар аниқланмади, “эмоционал комфорт” кўрсаткичининг норма билан таққослаганда пасайиши 12% ўғил бола ва 10% қизларда кузатилди. “Эмоционал дискомфорт” кўрсаткичининг нормадан юқори қиймати 18% ўқувчида қайд этилди, бу кўрсаткичнинг пасайиши эса 30% қизлар ва 39% ўғил болаларда кузатилди, бинобарин, баъзи ўсмирларда бу кўрсаткич 0 гача пасайди.

“Ички назорат” бўйича кўрсаткич норма доирасидан чиқмади. Бу шкала бўйича бир маромда юқори қийматлар 2 нафар ўғил бола ва 2 нафар қизда кузатилди, нормага нисбатан паст кўрсаткичлар ушбу параметр бўйича қайд этилмади.

“Ташқи назорат” кўрсаткичининг ўртача қиймати умумий гуруҳда ва ўсмир йигитлар гуруҳида бирмунча пастроқ кўрсаткичларга эга. Ташқи назорат қийматининг нормага нисбатан пасайиши 9 нафар қизлар ва 14 нафар ўғил болаларда кузатилди, ҳолбуки ўғил болаларда унинг пасайиши кескин намоён бўлди.

Ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги семантик доирасининг таҳлили ўқувчиларнинг ўқув юртига, ўқишга салбий-бефарқ муносабатдан қизиқиш муносабатига ўзгарганини қайд қилиш имконини берувчи сўзларнинг устунлик қилишини аниқлади. Умуман, педагогларнинг дезадаптациялашган ўсмирлардаги “мен тимсоли”ни коррекциялаш доирасидаги психологик компетентлигини ривожлантириш бўйича иш дастури ўз навбатида дезадаптациялашган ўсмирларда мустақиллик, эмоционал эгилувчанлик, катъийлик, масъулиятлилик ксбида ўзини ўзи ривожланиш жараёнини шакллантиришга хизмат қилди.

Бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, олинган билимлар интериоризацияси ва уларнинг касбий фаолиятда фаол қўлланилиши зарурий шарт ҳисобланади. Педагогнинг психологик компетентликни ошириш бўйича мустақил иши бизнингча кўпроқ самара беради, чунки ўқитувчи-ўқувчи ўзаро муносабатлари характери ўзгартиришга ҳам, педагогларнинг касбий компетентлиги даражасига ҳам таъсир кўрсатиш кучи юқоридир.

Демак, юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб айтиш жоизки, дезадаптациялашган ўсмирлар билан ишлашдаги педагог фаолиятининг

психологик самарадорлиги муайян психологик билимларга асосланган дастурларнинг қўлланилиши билан бевосита боғлиқ эканлиги яққол намоён этилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, тадқиқот давомида педагоглардаги дезадаптациялашган ўсмирлар хулқини коррекция қилиш жараёни билан боғлиқ психологик компетентлик даражаларини ўрганиш (“юқори”, “ўрта”, “қуйи”) орқали биз томонимиздан ишлаб чиқилган махсус психокоррекцион дастурнинг нечоғлик самара бераётганлигини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Шу маънода мазкур самарадорликни ташхислаш бўйича муайян корреляцион таҳлиллар амалга оширилди. Тадқиқотнинг яқунловчи тажриба-синов босқичида педагоглардаги психологик компетентлик кўрсаткичлари миқдорининг бир мунча ортганлиги қайд этилди. Мазкур натижаларни қайд этишда 72 нафар педагогларнинг фаолияти махсус дастурлар асосида иш олиб борувчи “тажриба” объекти сифатида ва 81 нафар педагогларнинг умумий-анъанавий фаолияти эса “назорат” объекти сифатида ўқув йили бошида ва ўқув йилининг охирида тадқиқот мақсадларига мос равишда ўрганилди ва таҳлил қилинди (жадвал).

1- жадвал

Дезадаптациялашган ўсмирлар хулқини коррекция қилишда педагоглар томонидан психологик компетентлик даражалари намоён этилишининг қиёсий таҳлиллари

Гуруҳлар	Педагоглар сони	Даражалар					
		юқори		ўрта		қуйи	
		п	%	п	%	п	%
<i>“Тажриба” гуруҳи</i>							
а) экспериментгача	72	7	9,7	33	45,8	32	44,5
б) экспериментдан сўнг	72	27	37,5	30	41,7	15	20,8
<i>“Назорат” гуруҳи</i>							
а) экспериментгача	81	10	12,3	35	43,2	36	44,5
б) экспериментдан сўнг	81	10	12,3	39	48,2	32	39,5

Қўлга киритилган эмпирик маълумотлар таҳлили “тажриба” ва “назорат” гуруҳлари орасида сезиларли даражада фарқ мавжудлигини кўрсатди. Бинобарин, “тажриба” гуруҳи ўқитувчилари орасидаги “юқори” даражали компетентлик кўрсаткичлари 7 нафардан 27 нафарга ошганлиги билан “қуйи” даража кўрсаткичлари 32 нафардан 15 нафарга тушганлигини, “назорат” гуруҳи респондентларида эса бундай кўрсаткичлар орасидаги тафовут унчалик катта эмаслигини алоҳида қайд этиш мумкин. Бу эса, ўсмирлар хулқи коррекцияси бўйича ишлаб чиқилган психологик ёндашув дастурининг самарадорлигидан далолат беради.

Олинган натижалардан тадқиқот давомида олиб борилган психокоррекцион дастурлар самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва педагогларнинг психологик компетентлигини умумий ҳолда

баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бу эса тажриба гуруҳида олинган барча эмпирик кўрсаткичлар миқдорининг назорат гуруҳларидаги кўрсаткичлар миқдorigа нисбатан юқори эканлигини тасдиқлайди.